Ўзбекистон Республикаси
Жиззах вилояти
Халқ депутатлари
Шароф Рашидов тумани
Кенгашининг
ҚАРОРИ

O'zbekiston Respublikasi
Jizzax viloyati
Xalq deputatlari
Sharof Rashidov tumani
Kengashining
QARORI

"14" 01 2020 йил № 1/10 Учтепа даҳаси

2020 йил учун Шароф Рашидов туманининг маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекстон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2020 йилда Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 27, 99-моддалари (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-I-сон) ва Ўзбекистон Республикаси "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунининг (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.12.2019 й., 03/19/589/4126-сон) 18-моддасига асосан, 2020 йил учун туман маҳаллий бюджетини қабул қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6, 24-моддаларига кўра, Халқ депутатлари Шароф Рашидов туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг 2019 йил 23 декабрдаги "2020 йил учун Жиззах вилояти маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги 300/50-сонли қарорига асосан Шароф Рашидов тумани (кейинги ўринларда - туман деб аталади) бюджетига юқори бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 57 916 817 минг. сўм миқдорида тасдиқланганлиги ҳамда туман маҳаллий

бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағ 686 000 минг. сўм миқдорда белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2020 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари туман бюджетида тўлиқлигича қолдирилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бундан цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно.

электр станцияларидан бошқа тўловчилар томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

айланмадан солиқ;

б) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғидан ташқари) 100 фоиз вилоят бюджетига;

юридик шахсларнинг фойда солиғи 100 фоиз вилоят бюджетига;

юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи 100 фоиз туман бюджетида;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи 100 фоиз туман бюджетида;

якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи 68 фоиз туман бюджетида, қолган 32 фоизи вилоят бюджетида;

айрим товарларни чакана сотиш ҳуқуқини бериш учун йиғим 100 фоиз туман бюджетида;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари) 100 фоиз туман бюджетида;

автотранспорт воситаларини харид қилганлик учун уларни ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғимлар 100 фоиз туман бюджетида;

фойда солиғидан тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) 100 фоиз вилоят бюджетида.

Шу билан бирга, қонунга мувофиқ туман маҳаллий бюджетига тўлиқ миқдорда ажратма қилинган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда юридик шахслардан олинадиган фойда солиқлари вилоят ва туман ўртасида тақсимланиши маълумот учун қабул қилинсин.

в) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиғича вилоят бюджетига ажратма қилинади:

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат божлари (патент божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулк, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг активлари бўйича ажратмалар ва дивидендлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар;

қўшилган қиймат солиғидан тушумлар.

г) мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкогол махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра республика аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилиши;

қонун ҳужжатларида маҳаллий бюджетларга тушадиган даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса, бу турдаги даромадлар вилоят бюджетига ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қонунга асосан туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) тумандан молиялаштирилувчи умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари республика бюджетидан, тўртинчи гуруҳ харажатлари тегишинча туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилади;

б) туманлар бюджетидан:

фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари орқали тайинланадиган ижтимоий нафақалар;

давлат санитария-эпидемиология назорати туман ва шаҳар марказларини сақлаш харажатлари молиялаштирилади.

4. Туман маҳаллий бюджети даромадларининг 2020 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари 1, 1.1-иловага мувофиқ;

туман бюджетидан 2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ;

умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёри 3-иловага мувофиқ;

туман маҳаллий бюджетининг 2020 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 4-иловага мувофиқ;

туман маҳаллий бюджетининг 2020 йил даромадлари ва харажатларининг чегаравий ҳажми 5-иловага мувофиқ;

туман маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2020 йил учун туман бюджети захира жамғармаси ҳажми 1 608 762 минг. сўм миқдорида белгилансин.

Туман ҳокимлиги захира жамғармаси маблағлари кечиктириб бўлмайдиган ҳамда туман бюджетини шакиллантиришда олдиндан назарда тутиб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

6. Туман бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисида туман халқ депутатлари Кенгаши томонидан туман ҳокимининг таклифига асосан, биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилиши инобатга олиниб, туман Кенгаши қарорига асосан ишлатилиши белгилансин.

7. Туман ҳокими туман бюджети қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни

молиялаштиришга йўналтирилади.

8. Туман ҳокими фавқулотда вазиятларда ва шунга ўхшаш кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши талаб этиладиган ҳолларда ишлатиладиган маблағлар тўғрисида халқ депутатлари туман Кенгашига ҳисобот бериш шарти билан қўшимча манбаларни йўналтириш бўйича қарор (фармойиш)лар қабул қилиш белгилансин.

9. Туман ҳокими ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалар ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

10. Туман ҳокимлиги, Туман молия бўлими:

ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар томонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини назоратга олсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида молиявий ҳисоботларни ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

11. Туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимиятига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритади.

12. Туман ҳокимлиги Қонуннинг 24-моддасига асосан тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини Кенгашга киритилишини таъминласин.

13. Туман ҳокимлиги бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун туман Кенгашига доимий равишда

маълумот киритиб борсин.

14. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

15. Туман ҳокимлиги ахборот маркази (Ж.Азимов), “Жиззах овози” газетаси (А.Мустафаев):

мазкур қарор ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин ҳамда маҳаллий матбуотда чоп этилсин.

16. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

17. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Халқ депутатлари туман Кенгаши сессия раиси **М.Омонликов**

Халқ депутатлари
Шароф Рашидов туман Кенгашининг
2020 йил «14» 01 даги
1/1 -сонли қарорига
1-илова

Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани маҳаллий бюджетининг даромадларининг 2020 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

контингент

	Даромад турлари	минг. сўм
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	4 778 000
2	Норезидентлар томонидан тўланадиган фойда солиғи	
3	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	7 777 671
4	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	37 057 850
5	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи	4 006 900
6	Қўшилган қиймат солиғи	26 673 000
7	Акциз солиғи, жами	8 310 000
	шу жумладан:	
	- ароқ	
	- коньяк	
	- табиий вино	
	- бошқа винолар	
	- шампан, газли ва вижиллаб турадиган винолар	
	- этил спирти	
	- пиво	
	- тамаки маҳсулотлари	
	- дизел ёқилғиси	
	- суюлтирилган газ	
	- табиий газ	
	- уяли алоқа компаниялари	
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*8 310 000*
8	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1 253 651
9	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	4 871 969
10	Юридик шахслар ер солиғи	2 810 000
11	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	5 077 250
12	Ягона ер солиғи	
13	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	380 079
14	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	84 253
15	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	
16	Давлат божи	2 219 784
17	Жарималар	6 180 306
18	ЎзР ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ундириладиган йиғимлар	
19	Бозорлар даромадидан тушум	
20	Маҳаллий йиғимлар	518 431
	ЖАМИ	**111 999 144**

Халқ депутатлари
Шароф Рашидов туман Кенгашининг
2020 йил «14» 01 даги
1/10-сонли қарорига
1,1-илова

Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани маҳаллий бюджетининг
2020 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

Маҳаллий

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
	ЖАМИ	**50 942 740,0**
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	0,0
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	1 111 736,0
3	Акциз солиғи, жами	5 650 800,0
	шу жумладан:	
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	
4	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1 253 651,0
5	Юридик шахслар ер солиғи	2 810 000,0
6	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	84 253,0
7	Ягона солиқ тўлови	7 777 671,0
8	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)	4 006 900,0
9	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	5 077 250,0
10	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ норуда	380 079,0
11	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	4 871 969,0
12	Тақсимланувчи даромадлар	
13	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	11 170 000,0
14	Мобил алоқага акциз солиғи	6 230 000,0
15	Йиғимлар	518 431,0

Халқ депутатлари
Шароф Рашидов туман Кенгашининг
2019 йил «__» _____ даги
____-сонли қарорига
2-илова

2020 йил учун Шароф Рашидов тумани бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган парламент ажратмаларининг чекланган миқдорлари

млн.сўм

№	Кўрсаткичлар	2020 йил
	Шароф Рашидов туман бўйича харажатлари миқдори, Жами	**108 859,6**
1	Туман халқ таълими бўлими	5 467,5
2	Туман Мактабгача таълим бўлими	6 888,0
3	Туман Тиббиёт бирлашмаси	45 661,6
4	8 Сон Мусика мактаби	1 333,9
5	Туман ДСЭНМ	1 718,6
6	Туман Маданият бўлими	728,4
7	Туман Ахборот кутубхона маркази	235,8
8	Туман Жисмоний тарбия ва спорт бўлими	1 284,2
9	Туман Бандликка кўмаклашиш маркази	600,0
10	Туман ҳокимлиги	1 715,3
10	Халк кабулхонаси	21,02
10	ФХДЕ булими	72,8
10	Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари	4 691,1
11	Туман ҳокимлиги Ижтимоий куникма маркази	52,2
12	Туман Бюджетдан ташкари пенсия булими	574,6
13	Туман ҳокимлиги Молия бўлими	885,7
14	Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими	419,0
15	Туман ҳокимлиги захира жамгармаси	1 608,8
16	Туман ветеринария бўлими	474,2
17	Туман хайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овкат махсулотлари хавфсизлиги маркази	
18	Туман фермер, дехкон, хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши хузуридаги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритиш маркази	1 138,2
19	Туман ирригация бўлими	852,7
20	Туман ободонлаштириш бошқармаси	4 364,8
21	Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари орқали тайинланадиган ижтимоий нафақалар	28 092,0

Халқ депутатлари
Шароф Рашидов туман Кенгашининг
2020 йил «14» 04 даги
1170-сонли қарорига
3-илова

Умумдавлат солиқларидан Шароф Рашидов туман маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Ягона солиқ тўлови	Тадбиркорликнинг айрим турлари учун қатъий белгиланган солиқ (фиксированный)	Жисмоний шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Ижара тўлови	Акциз солиғи: - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализацияси дан солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Йиғимлар	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ
1	Шароф Рашидов тум	3	0	100	100	100	100	100	100	68	100	100	100	100

Халқ депутатлари
Шароф Рашидов туман Кенгашининг
2020 йил «14» 04 даги
1/12 -сонли қарорига
4-илова

Шароф Рашидов туман маҳаллий бюджетининг 2020 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

Шаҳар ва туманлар	**Тартибга солувчи трансферт миқдори**
Шароф Рашидов тумани	57 916 817,0

Халқ депутатлари
Шароф Рашидов туман Кенгашининг
2020йил «14» 12 даги
11/12 -сонли қарорига
5-илова

Шароф Рашидов туман маҳаллий бюджетининг 2020 йил даромадлари ва харажатларининг чегаравий ҳажми

минг сўмда

Ҳудуд номи	Даромад	Харажат
Шароф Рашидов тумани	50 942 740,0	108 859 557,0

Халқ депутатлари
Шароф Рашидов туман Кенгашининг
2020 йил «14» 12 даги
14/12 -сонли қарорига
6-илова

Шароф Рашидов туман маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/р	**Ҳудуд номи**	**Миқдор**
1	Шароф Рашидов тумани	**686 000,0**